O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 310309




Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 28 март, № 65 (4728) Шанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН САККИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 27 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси очилди.



Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И. Собиров олиб борди.


Сенаторлар ўз ишларини Инқирозга қарши чораларнинг 2009–2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқишдан бошладилар. Сўзга чиққан сенаторлар таъкидлаб ўтдиларки, 2008 йилда бошланган ва амалда дунёнинг барча мамлакатларига дахл этган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам таъсир кўрсатди ва ҳамон ўз таъсирини ўтказмоқда. Шунга қарамай, Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлиги остида ўтказиб келинаётган пухта ўйланган иқтисодий стратегия шарофати билан, ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилишнинг Ўзбекистон модели изчиллик билан рўёбга чиқарилаётганлиги, таркибий тузилишдаги туб ўзгаришларга, иқтисодиётни диверсификация қилиш, мамлакатдаги молия-иқтисод, банк-кредит тизимининг барқарор ва узлуксиз ишлашига доир чоратадбирлар натижасида инқирознинг оғир оқибатларидан холи қолишга ва иқтисодиётимиз барқарор равишда фаолият кўрсатишига эришишга, унинг изчил ўсиш суръатларини, одамларнинг хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлашга муваффақ бўлинди.

Шу билан бирга жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози чуқурлашиб бормоқда ҳамда кўп жиҳатдан оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган тус олмоқда. Бундай шароитда жаҳон инқирозининг мамлакат иқтисодиётига ва ижтимоий соҳасига салбий таъсирини тамомила бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш устувор вазифа бўлиб қолади.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби» номли маърузасида Инқирозга қарши чораларнинг 2009–2012 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишни 2009 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналиши сифатида белгилаб берди. Дастурда макроиқтисодий мутаносибликни ҳамда иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашини таъмин этишга, аҳолини иш билан таъминлаш ва уни самарали тарзда ижтимоий муҳофаза этишга қаратилган чора-тадбирлар, кичик бизнесни, фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чоралари ва бошқа тадбирлар назарда тутилган. Сенаторлар таъкидлаб ўтганидек, Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш бугуннинг ўзида салмоқли, кўзга кўринарли натижалар бермоқда.

Айни бир вақтда Инқирозга қарши чораларнинг 2009–2012 йилларга мўлжалланган дастурини муваффақиятли тарзда амалга ошириш, энг аввало, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, марказдаги ва жойлардаги барча бошқарув, молия, хўжалик юритувчи тузилмаларнинг масъуллиги ҳамда пухта ишлашига боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг махсус тузилган комиссияси томонидан Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари

(Давоми 2-бетда).



ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги ҳамда «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Давлат патент идорасидаги ижроси муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар бозорида фаолият юритувчи рўйхатга олинган корхоналарнинг сони мунтазам ўсиб бормоқда. Ҳозирда бундай хўжалик юритувчи субъектлар 212 тани ташкил этади. Мазкур соҳада эса тўрт мингдан ортиқ мутахассис фаолият юритмоқда. Республикада яратилган дастурий таъминот маҳсулотларининг хилма-хиллиги ҳам йил сайин ошиб бораётганлиги эътиборга моликдир.

Мамлакатимизда яратилган дастурий маҳсулотлар бугунги кунда турли хил соҳаларда, жумладан, 23,1 фоизи таълим соҳасида, 15,5 фоизи бухгалтерия ҳисоби ва банк ишида, 15,4 фоизи тиббиётда, 14 фоизи технологик жараёнларни автоматлаштиришда ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилмоқда. Республикамизда дастурий маҳсулотлар бозори ривожланиш босқичида бўлса ҳам, экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқишда дастлабки ижобий қадамлар қўйилган.

Шунингдек, йиғилиш иштирокчилари бугунги кунда импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасида давлат кўмагида бозор механизмларини яратиш, ишлаб чиқариш билан инновацион манфаатларнинг уйғунлаштирилишини таъминлаш лозимлигини алоҳида қайд этишди. Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

* * *

Шу куни мазкур қўмита «Кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг роли» мавзуида давра суҳбати ўтказди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, мамлакатимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёни мустаҳкам ҳуқуқий асос негизида амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш барпо этилаётган янги жамиятнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Шу боис ОАВ ходимлари аҳолига жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни аниқ, тез ва холис етказиб беришлари зарур. Бу эса аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва демократик қарашларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этишини иштирокчилар алоҳида қайд этишди.

(Давоми 2-бетда).

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Кенгашининг ўн тўртинчи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 27 март куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги ўн тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

Мажлисда ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори М.Субановнинг ШҲТ МАТТ Кенгаши қарорлари ижросининг бориши ҳақидаги ахбороти тингланди, ШҲТ МАТТ Кенгашининг ШҲТга аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашига ШҲТ МАТТнинг 2008 йилдаги фаолиятига доир ҳисоботи лойиҳаси маъқулланди. ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитасининг ўтган даврдаги фаолияти кўриб чиқилиб, ШҲТга аъзо давлатларда «уч ёвуз куч»га қарши кураш ижобий натижалар бергани қайд этилди. Бундай натижаларга эришишда ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш соҳасидаги замонавий таҳдид ва хавф-хатарларни бартараф этиш имкониятини беради.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2010-2012 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури лойиҳаси маъқулланди. У томонларнинг таклифларини ҳамда ШҲТ доирасида янги таҳдид ва хавф-хатарларга қарши кураш масалаларидаги ҳамкорлик ривожининг суръатини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Шунингдек, 2009 йилга мўлжалланган тадбирларни амалга ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Кенгаш ташкилий ишлар ва кадрларга, ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси фаолиятининг молиявий таъминотига ҳамда ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш соҳасидаги замонавий таҳдид ва хавф-хатарларни бартараф этиш имкониятини беради.

Ялпи мажлис залидан репортаж

ДАСТУР ИЖРОСИ ЙЎЛИДАГИ МАСЪУЛЛИК ВА ФАОЛЛИК

иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этишнинг асосий омилларидир

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси биринчи иш кунида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган "Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги тўғрисида"ги масала кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан тасдиқланган Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мутасаддилари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг фаоллигини ошириш, улар масъулиятини кучайтириш ниҳоятда долзарб аҳамиятга эгадир. Шу боис Сенат томонидан тузилган ишчи гуруҳлар инқирозга қарши дастурни сўзсиз бажариш борасида Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Сурхондарё, Тошкент ҳамда Қашқадарё вилоятларида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан олиб борилаётган ишларни ўрганиб чиқди.

(Давоми 2-бетда).

АФҒОНИСТОН МУАММОСИНИ ФАҚАТ ҲАРБИЙ ВОСИТАЛАР БИЛАН ҲАЛ ЭТИБ БЎЛМАЙДИ

Франциядаги оммабоп ахборот-таҳлилий нашрлардан бири — «Les milieux des empires» ўз саҳифаларида «Ўзбекистон Республикасининг Афғонистон муаммосини ҳал этиш борасидаги нуқтаи назари ва ташаббуслари» сарлавҳали мақолани чоп этди.

Унда таъкидланишича, минтақавий хавфсизликни таъминлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бош мақсадларидан бири саналади. Хавфсизлик омили ҳар қандай тараққиётнинг асоси ҳисобланади. "Афғонистонда авж олаётган қарама-қаршиликнинг кескинлашиши ва кенгайиши, вазиятнинг радикаллашуви ва жангариларнинг террорчилик хуружлари фаоллашаётгани боис минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигига бўлаётган таҳдидлар даражасининг ўсиб бораётгани, айниқса, ташвиш туғдирмоқда», дея таъкидланади мақолада.

Шунингдек, мақолада қайд этиладики, Ўзбекистон бошқа кўплаб мамлакатлардан анча аввал терроризм ва экстремизмнинг вайронкорлик моҳиятига урғу берган эди. Афғонистондаги ҳозирги вазият дунёнинг кўплаб мамлакатларида, аввалambor, унга қўшни ва минтақадош давлатларда ташвиш уйғотмоқда.

Нашрда ёзилишича, Ўзбекистон Республикасининг афғон муаммосини ҳал этиш борасидаги ёндашуви ва таклифлари Президент Ислом Каримовнинг 2008 йил апрелда Бухарестда бўлиб ўтган НАТО/СЕАП саммитида ҳамда 2008 йил августдаги ШҲТ саммити доирасидаги маърузаларида аниқ кўрсатиб ўтилган эди.

Мақолада келтирилишича, Ўзбекистон раҳбари, жумладан, Афғонистондаги вазиятнинг авж олаётгани, у ердаги муаммоларни фақатгина қуролли кучларни ишлатиш, ҳарбий воситалар ҳамда милитаризация даражасини ошириш ҳисобига ҳал этиб бўлмаслигини намоён этаётганига урғу берган эди. Афғонистонда 30 йилдан буён давом этаётган уруш мамлакатнинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий инфратузилмасини вайрон қилди, аҳолининг қашшоқлашувига олиб келди ва шу орқали янги жангариларнинг кўпайишига қулай шароит яратмоқда.

Мақолада Ўзбекистон Президентининг «юзага келаётган вазият афғон муаммосини ҳал қилишга ёндашувларни тубдан қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда ва бундаги асосий устувор йўналиш Афғонистонга аниқ мақсадга йўналтирилган иқтисодий ёрдам кўрсатиш, иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмани қуриш ва шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, қашшоқликка қарши курашиш, кўпмиллатли ва кўп конфессияли Афғонистон халқининг миллий ва диний қадриятлари, кўп асрлик анъаналарига ҳурмат кўрсатиш, шунинг асосида қарама-қарши томонларнинг бирлашишини таъминлашдан иборат бўлиши керак», деган фикрига урғу берилади.

Ўтган асрнинг 90-йилларида БМТ шафелигида муваффақиятли иш олиб борган Афғонистон бўйича "6+2" мулоқот гуруҳининг фаолиятини "6+3" кўринишида, унга НАТОни жалб қилган ҳолда давом эттириш бу мақсадларга эришишнинг муҳим стратегияси бўлиши мумкинлиги қайд этилади. Нашрнинг ёзишича, Президент Ислом Каримовнинг мазкур ташаббуси негизида минтақада юзага келган мураккаб ва ўзига хос вазиятни ҳар томонлама чуқур тушуниш ўз ифодасини топган.

Нашрнинг фикрича, тўпланган ижобий тажриба асосида янги формадаги мулоқот гуруҳи афғон муаммосини ҳал этишдаги халқаро ҳамкорликнинг самарали механизмига айланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистондаги барқарорликни мустаҳкамлаш ва уни ҳар томонлама ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларида фаол иштирок этмоқда ва бу мамлакат билан дўстона ва яқин қўшничилик алоқаларини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Бу нафақат умумий чегара мавжудлиги, балки минтақадаги тинчлик, барқарорлик ва ривожланишни таъминлаш йўлидаги ҳамкорликка бўлган ўзаро қизиқиш билан ҳам белгиланади. Шу муносабат билан мақолада таъкидланадики, 2002 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати жаҳон ҳамжамиятининг Афғонистонга ёрдамини самарали таъминлаш мақсадида Ўзбекистон-Афғонистон чегарасидаги кўприкни очиш тўғрисида қарор қабул қилди, 2003 йил ноябрда эса, Термиз шаҳрида "Айритом" божхона комплекси ишга туширилди. Афғонистон ҳукуматининг илтимосига кўра, Ўзбекистон томонидан "Мозори Шариф-Кобул" йўналишида 11 та кўприк қурилди. Мазкур коммуникация иншоотлари Афғонистон иқтисодий тикланиш жараёнининг бошланғич босқичида мамлакатнинг шимолий ва жанубий қисми ўртасидаги узлуксиз алоқани таъминлади. 2002 йил бошидан буён Афғонистонга электр энергиясини етказиб бериш тикланди. Ўзбекистон Афғонистоннинг халқ хўжалигини тиклашда имкон қадар ёрдам кўрсатмоқда. Ўзбекистондан Афғонистонга ёнилғи, қурилиш материаллари, металлопрокат, ўғитлар, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилмоқда.

— Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасида фаол сиёсий мулоқот ўрнатилган, — дейилади мақолада. — Хусусан, 2008 йилнинг августида Тошкентда икки мамлакат делегациялари ўртасида самарали музокаралар бўлиб ўтиб, унда "Ҳайратон-Мозори Шариф" йўналишида темир йўл қуриш борасидаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

«Жаҳон» АА.
Париж

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН САККИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

маҳаллий ҳокимият органларининг Инқирозга қарши чораларнинг 2009–2012 йилларга мўлжалланган дастурини бажариш соҳасидаги фаолиятини ўрганиб чиқиш шуни кўрсатдики, Инқирозга қарши чоралар дастури бажарилишини таъминлаш юзасидан маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ташкилий чора-тадбирлар комплекси қабул қилинган ҳамда улар рўёбга чиқарилмоқда. Тармоқ ва ҳудудий муаммоларни ҳал этиш юзасидан тегишли дастурлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Бир қанча вилоят ҳокимликлари ҳузурида минтақалардаги ижтимоий-иқтисодий вазият ривожи устидан мониторинг олиб борувчи махсус ишчи гуруҳлар тузилган.

Шу билан бирга Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг ишида фойдаланилмаётган резервлар ҳам, муайян камчиликлар ҳам бор. Бир қатор вилоят вакиллик ҳокимияти органларида инқирозга қарши чоралар дастурлари маҳаллий ижтимоий-иқтисодий шароитларни инобатга олган ҳолда ўз вақтида муҳокама этилмаган. Айрим маҳаллий ҳокимият органлари ишида расмиятчилик ҳоллари мавжуд, тегишли қарорларни бажариш юзасидан ижро интизоми даражаси паст. Масалани муҳокама этиш асносида сенаторлар шуни таъкидлаб ўтдиларки, мамлакат миқёсида қабул қилинган Инқирозга қарши чораларнинг 2009–2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажаришда депутатлар корпусининг, маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллигини ошириш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари фаолиятида энг муҳим устувор йўналиш бўлиб қолмоқда.

Сўзга чиққан сенаторлар миллий иқтисодиётнинг таянч тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, замонавий инновацион технологияларни жорий этишга қаратилган Инқирозга қарши чораларнинг 2009–2012 йилларга мўлжалланган дастурини бажариш Ўзбекистон жаҳон бозорида мамлакатимизнинг рақобатбардошлигини таъминловчи янги марраларга чиқишига, иқтисодиётнинг устувор тармоқлари юксалишига, аҳолининг турмуш фаровонлиги сифат жиҳатидан ўсишига кучли туртки беради.

Дастурни бажариш иқтисодиёт ҳар бир субъектининг, мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг муҳим иши бўлиб қолмоғи керак.

Масалани муҳокама қилиш якунлари бўйича Олий Мажлис Сенати тегишли қарор қабул қилди.

Шундан сўнг сенаторлар «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрда қабул қилинган «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2008 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари асосида ишлаб чиқилганлиги қайд этиб ўтилди. Шу Қонун билан «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Банкротлик тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларнинг бир қанча мод-



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

даларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ушбу Қонуннинг асосий мақсади «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини кенгайтиришдан ҳамда бўлажак инвесторни қўшимча равишда жалб этиш ҳисобига иқтисодиётнинг реал секторидаги корхоналар молиявий барқарорлигини янада оширишдан иборат. Қонунни сенаторлар маъқуллади-лар.

Сенаторлар томонидан «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам кўриб чиқилди. Қонун, таъкидланганидек, ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрни қопланишига тааллуқли ҳуқуқи амалга оширилишига кўмаклашишга, иш берувчининг мазкур зарарнинг ўрнини қоплаш харажатлари билан боғлиқ мулкий манфаатларини ҳимоя қилишга, шунингдек, меҳнат шароитларини яхшилаш ва меҳнат хавфсизлигини оширишдан, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касаллигига чалиниш ҳолларини камайтиришдан иш берувчининг иқтисодий манфаатдорлигини оширишга йўналтирилган. Сенаторлар Қонунни маъқулладилар.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган Фармони асосида ишлаб чиқилган «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Қонун Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг омонатларини жаҳон молиявий инқирозининг эҳтимолий салбий оқибатларидан ҳимоялашнинг ишончли кафолатларини таъминлайди, аҳолининг мамлакатимиз банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди, аҳоли омонатларини тижорат банкларига жалб қилиш учун қўшимча шароитлар яратади, дея таъкидланди. Киритилаётган ўзгартишларга мувофиқ, хусусан, фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича тўловлар банклар томонидан тўлиқ ҳажмда тўланади, айни вақтда банклар ночорроқ бўлиб қолган ҳолларда омонатлар бўйича тўловларга доир айрим чекловларни белгиловчи норма чиқариб ташланмоқда. Сенаторлар томонидан Қонун маъқулланди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонини ижро этиш юзасидан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили тўғрисидаги қонун нормаларини ижро этиш юзасидан миллий қонунчилик базасини ва ҳуқуқни қўлланиш амалиётини такомиллаштиришга, шунингдек, инсон ҳуқуқларига риоя этиш соҳасида омбудсман билан ижро этувчи ҳокимият органлари, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ҳамда ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган.

Шундан сўнг сенаторлар «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Қонундан кўзланган мақсад Ўзбекистон Республикасига инсонпарварлик ёрдамини ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини жалб этиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришни такомиллаштириш, уларнинг ягона ҳисобга олиш тизимини, улардан ўз ўрнида ҳамда самарали фойдаланилиши қаттиқ назорат қилиб борилишини таъминлашдан иборат бўлиб, бу вазифалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги зиммасига юклатилиши ҳам белгилаб қўйилмоқда.

Сўнгра сенаторлар «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Қонун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида амал қилаётган давлат стандартлаштириш тизимини халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштиришга, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги халқаро стандартлар билан уйғунлаштиришга қаратилган. Унда, хусусан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳузурида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида эксперт комиссиялари ва эксперт кенгашлари, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизими тузилмасининг узвий қисми сифатида ахборот марказини ташкил этиш назарда тутилган. Сенаторларнинг фикрича, Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига изчил интеграциялашувига ёрдам беради. Сенаторлар Қонунни маъқулладилар.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида»ги 2008 йил 24 апрелда қабул қилинган Қарори асосида ишлаб чиқилган ҳамда қабул қилинган «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Қонунда мустақил баҳолаш тизимини янада ривожлантириш, баҳолаш хизматларининг профессионал даражаси ва сифатини ошириш, баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини бошқаришнинг самарали усулларини жорий этиш, амалга оширилаётган баҳолаш ишларининг натижалари ва холислиги учун уларнинг масъулиятини кучайтириш, шунингдек, баҳолаш хизматларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш назарда тутилган. Қонунни сенаторлар маъқулладилар.

Сўнгра улар «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66[1]-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Қонун жиноят ишларини тезкорлик билан, самарали тарзда ҳал қилиш учун ярашув институтини такомиллаштиришга, шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотининг мантиқий давоми сифатида жиноят ишлари бўйича суд тартибида иш юритишни янада либераллаштиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш» деб номланган амалдаги 66[1]-моддаси Жиноят кодексининг ижтимоий хавфи катта бўлмаган 42 та жиноят таркибини ўз ичига олган ўттиз битта моддаси бўйича жавобгарликдан озод қилишни назарда тутади. Кўриб чиқилаётган мазкур Қонун содир этилиш хусусияти ҳамда ижтимоий хавфлилик даражасига кўра Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66[1]-моддасига киритилган жиноятларга ўхшаш яна ўн битта жиноят таркиби бўйича ярашув қўлланилиши муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш мумкинлигини назарда тутмоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенат мажлисида «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги, «Почта алоқаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ташкил этиш тўғрисида»ги 2008 йил 23 июнда қабул қилинган Қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилган «Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн саккизинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

ДАСТУР ИЖРОСИ ЙЎЛИДАГИ МАСЪУЛЛИК ВА ФАОЛЛИК

иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этишнинг асосий омилларидир

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мухбиримиз танаффус пайтида мазкур масала юзасидан жойларда қандай ишлар бажарилаётгани ҳақида сенаторлар билан мулоқот қилди.

— Дарҳақиқат, бугун жаҳон иқтисодиётини асримизнинг энг чигал ва кескин таназзули ўз домига олди, — деди сенатор Муродулла Нормуродов. — Дунёнинг ҳар бир мамлакати бугун у ёки бу кўринишда ушбу молиявий-иқтисодий бўроннинг салбий таъсирини бошидан ўтказмоқда. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистонда Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури қабул қилинди. Ушбу дастур моҳияти Юртбошимизнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ҳамда яқинда нашрдан чиққан "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарида очиб берилган.

Инқирозга қарши чоралар дастури ижросини сўзсиз таъминлашда сенаторлар, уларни сайлаган халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг фаоллиги, иқтисодий таназзулнинг эҳтимолий оқибатларини бартараф этишда, ҳудудий чоралар дастурининг ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва амалга оширилишида уларнинг ташаббускорлиги ва жонбозлиги катта аҳамиятга эга.

Қашқадарёда ҳам Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш масаласига жиддий эътибор берилаётир. Хусусан, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури ижросини таъминлаш мақсадида тегишли қарорлар қабул қилинган ва аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, ижрочиларга етказилган. Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш борасида муайян ишлар қилинмоқда. Чунончи, вилоятда дастурга асосан 85 та маҳаллий саноат корхонасига 17 миллиард сўм микдорида инвестиция жалб этиш режалаштирилган. Экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқарувчи 10 та маҳаллий корхонани қўллаб-қувватлаш учун салкам 10 миллиард сўм микдорида кредит ажратилган.

— Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастури Андижон вилояти ижтимоий-иқтисодий ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга, — дея суҳбатимизга қўшилди сенатор Мамазоир Хўжамбердиев. — Шу боисдан ҳокимликлар, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари, жамоат ташкилотлари, мутахассислар ушбу дастурнинг Андижондаги ижросини бекаму кўст таъминлашга, иқтисодиётнинг инқироз шароитида ҳамда ундан кейинги барқарор ривожланишига йўналтирилган ишлар кўламини кенгайтиради. Жумладан, вилоятдаги еттита корхонага молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжи ўрганилган ҳолда, амалий ёрдам кўрсатилди. Маҳаллийлаштириш дастурининг изчиллик билан амалга оширилаётгани бундай корхоналарнинг ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқаришдаги салоҳияти юксалишига замин яратмоқда. Хусусан, жорий йилда ҳудудий корхоналар томонидан 60 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши кўзда тутилмоқда.

Маълумки, озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш ва ички бозорни тўлдириш ҳозирги иқтисодий инқироз шароитида энг зарур чоралардан саналади. Шунинг учун Андижонда 2009 йилда 700 минг тонна сабзавот, 145,8 минг тонна картошка, 60 минг тонна полиз, 290 минг тонна мева ва 31,2 минг тонна узум етиштириш режалаштирилган. Бу, табиийки, вилоятимиз ҳамда мамлакатимиз бозорларини тегишли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга, шунингдек, хорижга экспорт қилиш орқали валюта маблағи жалб этишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, бугун ҳар бир андижонлик Юртбошимиз бошчилигида Инқирозга қарши чораларни амалга оширишнинг аҳамиятини, масъулиятини ҳис этиб турибди. Зеро, унинг тўла рўёбга чиқарилиши вилоят аҳолисининг бугунги фаровон ҳаёти кафолатидир.

Сенаторлар таъкидлаганидек, Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурининг изчил амалга оширилиши мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг барқарор давом этишига, аҳоли турмуш фаровонлигининг янада юксалишига замин яратади. Зеро, барча саъй-ҳаракатлар Ўзбекистон фуқароларининг инқироз шароитидаги манфаатларини ҳимоялашга йўналтирилгандир.

Қобил ХИДИРОВ ёзиб олди.

Хоразм вилоятида бўлган киши бу ердаги йўлларнинг бошқа жойлардагидан фарқ қилишини дарров илғаб олади. Боиси, ушбу воҳада қирадирлар, тоғу тошлар йўқ. Йўллар эса баланд кўтарилган юмшоқ тупроқ устига қурилган. Сизот суви сатҳи ҳам ер юзасига жуда яқин.

ЙЎЛСОЗЛАР ҲИММАТИ

Жараён

Шунинг учун йўллар сал қаровсиз қолдими, тамом, чанг-тўзон натижасида у бузила бошлайди.

Халқимизнинг "Равон йўлда ғам бўлмас" деган нақли бор. Мустақиллик йилларида, айниқса, бу нақлнинг ҳаётий эканлигига гувоҳ бўлаяпмиз. Негаки, йўллар яхшиланмоқда, янгиланмоқда. Бунда эса "Хоразмавтойўл" ҳудудий йўллардан фойдаланиш давлат ташкилоти жамоасининг ўзига хос хизмати бор.

Бу ташкилот умумий фойдаланишдаги 2265 километрлик автомобиль йўлларини соз сақлаш, йўл иншоотларини жиҳозлаш ҳамда таъмирлаш, янгиларини қуриш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл бўйларини ободонлаштириш борасида талайгина ишларни амалга ошириб келаётгани эътиборга лойиқдир. Хусусан, ўтган йили 105,2 километрлик йўл ва 2 та кўприк таъмирдан чиқарилди. Шу масофада 7 та сув ўтказувчи қувур ўрнатилди, 449 та йўл белгиси ўрнатилди. Бундан ташқари, 6,6 километрлик йўл электр чироқлари билан таъминланиб, 15 жойда автобус бекатлари қурилди.

Айни кунларда йўлсозлар Ҳазорасп туманининг Тупроққалъа массивидан ўтган, халқаро аҳамиятга эга "Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу" автомобиль йўлининг 439-552 километрларида қайта қуриш ишларини олиб боришмоқда.

— Ушбу жараёнда сифат ва технологияга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, — дейди ташкилот раҳбари Қадамбой Нуниязов. — Чунки бу пировардида давлат маблағини тежашга хизмат қилади.

"Хоразмавтойўл" ҳудудий йўллардан фойдаланиш давлат ташкилоти қаромоғида бугунги кунда 10 та пудратчи таъмирлаш ва битта кўприкларни созлаш корхонаси мавжуд. Уларга жорий йилда 12 русумдаги 21 та махсус йўл қуриш-таъмирлаш техникаси келтирилди.

Хоразм шароитида йўлсозликнинг яна бир мураккаб жиҳати шуки, бу ерда норуда хом ашё базаси йўқ. Масалан, чақилган тош Жумуртов ва Қоратов карьерларидан, битум Фарғона ҳамда Сурхондарё вилоятларидан келтирилади.

Хоразмлик йўлсозлар ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиб, жорий йилда 41 километрлик йўлни ўрта таъмирлаш, 62 километр узунликдаги йўл бўйларида эса ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Парламент қуйи палатаси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология кўмитасининг йиғилишида «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва ҳавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Бош давлат ветеринария бошқармаси, Ўсимликлар карантини бош давлат инспекцияси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан бажарилиши ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳаси ҳукуматимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Соҳада давлат назоратини амалга оширишда замонавий синов лабораторияларининг мавжудлиги ҳамда уларнинг энг сўнгги жиҳозлар билан таъминланганлиги катта аҳамиятга эгадир. Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлик кўрсаткичларини текшириш учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида 38 та аккредитацияланган давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ташкил этилган.

Бундан ташқари, чорвачилик маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2008 йилда жами 68433 та автомашина ва 4013 та темир йўл вагони ветеринария-санитария ишловидан ўтказилган. Республикамиз ҳудудига юқумли касалликлар кириб келишининг олдини олиш мақсадида давлат чегараларини кесиб ўтиш жойларида 98 та чегара давлат ветеринария назорат пункти фаолият юритмоқда.

Шунингдек, йиғилишда мазкур Қонун талабларини бажаришда ижобий ишлар билан бир қаторда, айрим камчиликлар ҳам учраётганлиги хусусида сўз борди. Хусусан, Давлат санитария-эпидемиология хизмати томонидан амалиётда фойдаланиб келинаётган айрим норматив ҳужжатлар Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилмаган. Ўсимликлар карантини бош давлат инспекциясида фақат битта марказий лаборатория мавжуд бўлиб, унда фойдаланилаётган синов асбоблари ва ўлчаш воситалари замон талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Анжуманда тегишли вазирлик ва ташкилотларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди ва қўмита қарори қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА.

Жиззахда янги боғлар

Жиззах вилоятида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келинаётир.

Яхши хабар

Кейинги кунларда Зоминдаги янги қурилган трикотаж фабрикаси жамоаси корхона боғини барпо этган бўлса, зоминлик ва ғаллароллик ёшлар марказий ўйингоҳларни қайта таъмирдан чиқардилар. Форишликлар эса Янгиқишлоқ шаҳарчасида "Маҳалла" ва "Ёшлар" боғларини бунёд этишмоқда.

Умуман олганда, март ойида вилоят бўйича 857 минг туп манзарали, 242 минг туп мевали, салкам 800 минг туп гул кўчатлари ўтказилди. Жами 1851 гектар майдонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Миллий қонунчилигимизга биноан, фуқароларнинг давлат органларига аризалар, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда "Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар бу борада ҳуқуқий асос бўлиб келмоқда.

МУРОЖААТГА ЭЪТИБОР – ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

Айтиш лозимки, юртдошларимизнинг тегишли муассасаларга мурожаат этиб, қониқарли жавоб олишлари таъминланган ҳамда бу борада шаклланган тизим ишлаб турибди. Шунга қарамай, баъзида фуқароларнинг мурожаатларига эътиборсизлик ҳолатлари учраётганлигини таассуф билан айтиш мумкин.

Мисол учун, Поп тумани Чиғаноқ қишлоғида яшовчи О. Бойтемирова тижорат дўкони очишга қарор қилади. Аммо унинг ер ажратиш ҳақидаги аризаси туман ҳокимлиги етакчи мутахассиси А. Маматов қўлида оз эмас, кўп эмас 50 кун қолиб кетди.

Наманган шаҳридаги "Гулчеҳра-Зуҳра" хусусий корхонаси раҳбарининг мурожаатига ҳам ана шундай муносабат кузатилган. С. Сайфиддинов корхона учун ажратилган ер майдонини меъморий режалаштириш мақсадида вилоят архитектура ва қурилиш бошқармасига ариза киритади. Таассуфлар бўлсинки, унинг аризаси бошқарманинг шаҳарсозлик бўлими бошлиғи Б. Иномовнинг столида 45 кун ҳаракатсиз туриб қолди.

Қонунбузарликка йўл қўйган бу мутасаддилар "Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунда ариза ёки шикоятлар тегишли давлат идорасига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганиш ва текширишни талаб этмайдиган ариза ва шикоятлар эса

Қонун ва ижро

ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилиши белгиланганлигини наҳотки билишмаган бўлса?!

Яқинда шу каби қонунбузарликларнинг олдини олиш ва содир этилганларини таҳлил қилиш мақсадида вилоят адлия бошқармаси томонидан мониторинг ўтказилди. Унда таъкидлаб ўтилган ҳар иккала ҳолат бўйича тегишли хулосалар чиқарилди. Шунингдек, мониторинг чоғида бошқа тадбиркорлар томонидан давлат идораларига йўлланган мурожаатларнинг 17 таси ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги ҳам аниқланди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ўтган йилда вилоят прокуратурасига мурожаатлари тегишли идоралар томонидан ўз вақтида кўриб чиқилмаган уч минг уч юз нафар фуқародан ариза ва шикоятлар келиб тушган. Вилоят прокуратураси мазкур мурожаатлар бўйича иш олиб бориб, адолат қарор топишига кўмаклашди. Натижада қонун бузилишига йўл қўйган ўнлаб мансабдор шахсларга нисбатан интизомий чора кўрилди, 41 та ҳолатда эса маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Тўғри, ҳуқуқий демократик жамият сари дадил одимлаётган юртимизда қонун бузилишларига бефарқ қаралмайди. Қонунбузарлар тегишлича жазо оладилар. Аммо фуқароларнинг мурожаатларига беэътибор қараётган мансабдор шахслар ҳар бир хат, ҳар бир мурожаатнинг ортида инсон тақдири борлигини ўйлаб кўришса, нур устига аъло нур бўлар эди.

Ахир мамлакатимиз Президенти: тўрт кишига бошлиқ бўлдими, раҳбар атрофдагилар ташвишини елкасига ола билсин, ҳузурига умид билан келганнинг дардига дармон бўлсин, бошлаган ишини охирига етказишга одатлансин, деб алоҳида таъкидлаган. Зеро, эл дарди билан яшаган, уларнинг мушкулини осон қилган раҳбар жамоаси, маҳалла-кўй ўртасида обрў-эътибор топади, кўпчилик ишончини қозонади. Мухтасар қилиб айтганда, элнинг дуосини олиб, барака топади.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Жамғарма тузишни таклиф қилмоқчи

Буюк Британия ва Бразилия давлатлари "Катта йигирмалик" ("G20")нинг жорий йил апрель ойида бўладиган саммитида янги жамғарма тузиш таклифини илгари суришга келишиб олди, дейилади "AFP" ахборот агентлиги хабарида.

Унга кўра, мазкур жамғармага 100 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ жалб этилади ва у дунё савдо айланмасини ривожлантиришга йўналтирилади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоиз, жаҳонда кузатилаётган молиявий инқироз дунё савдо айланмасига жиддий таъсир кўрсатаётир. Жаҳон савдо ташкилоти маълумотларига қараганда, бу борада тўққиз фоизлик пасайиш кутилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, "Катта йигирмалик"нинг Буюк Британияда ўтказиладиган навбатдаги саммитида ҳам асосий эътибор иқтисодий инқироз оқибатлари ва ундан чиқиш йўлларига қаратилади.

Қидирув қийин кечмоқда

"AFP" ахборотида келтирилишича, Индонезиянинг Жакарта шаҳри яқинидаги посёлкалардан бирида дамба ўпирилиб кетган.



қолган, 50 киши ҳаётдан кўз юмган. Юзлаб одам бедарак йўқолган. Қурбонлар сони ошиши мумкинлиги айтилмоқда. Фалокат кўплаб вайронагарчиликларни келтириб чиқаргани қидирув ишларини мураккаблаштирмоқда.

Бахтсиз ҳодиса сабаби юзасидан ҳозирча маълумотлар йўқ.

Натижада бир қанча тураржой биноси сув остида

Авиакомпанияларга эътибор керак

Халқаро ҳаво транспорти ассоциациялари (IATA) маълумотига кўра, жорий йил февраль ойида дунёдаги авиакомпанияларнинг йўловчи ташиш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10,1 фоизга қисқарган.

Январь ойида бу кўрсаткич 5,6 фоизга пасайганди. Шунингдек, юк ташиш ҳажми ҳам кескин қисқариб кетган ва 22,1 фоизга камайган. "IATA" бош директори Жованни Бизиньянининг айтишича, аксарият давлатлар ўзларининг инқирозга қарши дастурларида авиакомпанияларга унчалик ҳам эътибор беришмаяпти. Натижада мазкур тизимдаги аҳвол тобора мураккаблашиб бормоқда. Бизиньяни ҳозирги шароитда авиакомпанияларни солиқлардан озод қилишни тавсия этган.

Ташкилот ҳисоб-китобларига қараганда, жорий йилда жаҳон бўйича авиакомпаниялар кўрадиган иқтисодий зарар миқдори 4,7 миллиард АҚШ долларини ташкил этиши мумкин. Бу ўтган йилга қараганда 2,2 миллиард АҚШ долларига кўп, демакдир.

Нашрлар қўллаётган чора

АҚШнинг йирик нашрлари харажатларни қисқартириш мақсадида амалга ошириладиган чора-тадбирлар режасини маълум қилди.



"AFP" ахборот агентлиги хабарига кўра, "Times Co." медиа-гуруҳига қарашли "New York Times" ҳамда "Boston Globe" газеталари таҳририяти ходимларининг ойлик маошини 6 фоизга пасайтириш ва меҳнат таътилини 10 кунлик қилиб белгилашни кўзда тутмоқда. Бундан ташқари, "New York Times" 100 нафар ишчисини ҳам ўз вазифасидан озод қилмоқчи. Яна бир нуфузли таҳририят — "Washington Post" эса ходимларига товон пули тўлаш эвазига ўз хоҳишлари билан ишдан бўшаш ёхуд муддатидан олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқидан фойдаланиш таклифини билдирди. Бу таклиф, асосан, 50 ёшдан ошган ва мазкур нашрда беш йилдан зиёд меҳнат қилганларга қаратилган.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоиз, "Washington Post" ўтган йилни 192,7 миллион, "Times Co." медиа-гуруҳи эса 30,3 миллион АҚШ доллари миқдорида зарар билан якунлаган.

Иш куни қисқарди

Россиянинг кўмирчилик билан шуғулланувчи йирик компанияларидан бири — «Распадская»да ҳафталик иш куни тўрт кунгача қисқартирилган ва жорий ой ўртасидан бошлаб хизматчиларнинг ойлик маоши 40 фоизга пасайтирилган.



Бу ҳақда «Интерфакс» ахборот агентлиги мамлакат Савдо-саноат палатаси маълумотларига таяниб хабар тарқатди. Компания эса бу масалага ҳеч қандай изоҳ билдирмаган. «Распадская»нинг ойлик зарар миқдори 250 миллион рубль экани айтилмоқда.

Таъкидлаш керак, 2008 йилда компаниянинг кўмир қазиб чиқариш ҳажми 31 фоизга, кўмир концентрати савдоси эса 20 фоизга камайган.

Нефть нархи яна тушди

Жаҳон бозорида нефть нархи яна сезиларли даражада арзонлашди.


Биржалардаги сўнгги савдолар чоғида "WTI" типидаги "қора олтин"нинг бир баррели 1,22 АҚШ долларига арзонлашган ва харидорларга 52,77 АҚШ долларидан сотилган. "Brent" туридаги нефть эса 51,75 АҚШ долларига баҳоланган.



Мутахассисларнинг таъкидлашича, нефть нархининг пасайишига АҚШ Энергетика вазирлиги томонидан чоп этилган статистика сабаб бўлган. Чунки унда АҚШ нефть захиралари сезиларли даражада ўсгани ҳақида маълумот берилганди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Истиқлол йилларида юртимиз шаҳар ва қишлоқлари тобора кўркам қиёфа касб этди. Янгидан бунёд этилган замонавий корхоналар, шинам тураржойлар, муҳташам коллеж ва лицей бинолари, барча қулайликларга эга тиббиёт муассасалари, равон йўллар бугун уларнинг кўркига кўрк қўшмоқда.



Бунёдкорлик

ЭЗГУ НИЯТЛАР ИЖОБАТИ

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ягона буюртмачи хизмати — Инжинириг компанияси ана шундай хайрли ишларни амалга ошириб келаётган корхоналардан биридир. Ўтган йили Нукус шаҳрида бўлиб ўтган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг "Баркамол авлод" спорт ўйинлари якуний босқичига тайёргарлик жараёнида, айниқса, мазкур корхона ўзининг ибратли ишлари билан кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлганди. Жумладан, 9 минг томошабинга мўлжалланган "Турон" стадиони реконструкцияси ва ёпиқ сузиш ҳавзаси қурилиши қисқа муддатларда тугалланиб, фойдаланишга топширилиши мусобақаларнинг қизиқарли ўтишига замин яратди. Бугун эса мазкур мажмуаларда минглаб ёшлар ўзлари қизиққан спорт тўгараклари машғулотларида қатнашмоқдалар.



Бундан ташқари, жамоа аҳли бултур 4935 ўринли 13 та касб-ҳунар коллежи қуриш ва таъмирлаш ишларини муваффақиятли бажарди.

— Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида тендер нархи 9381 миллион сўмлик, 2580 ўқувчига мўлжалланган 6 та касб-ҳунар коллежи биносини бунёд этиб, реконструкциядан чиқарамиз, — дейди компания директори Тотлимурат Кожиков биз билан суҳбатда. — Ўтган икки ойда 2445,7 миллион сўмлик ўрнига 3431,15 миллион сўмлик қурилиш-тиклаш ишлари уддаланди. Бунда К. Қутлимуратов бошчилигидаги "Қорақалпоқ онлау қурилис" МЧЖнинг 3-қурилиш бошқармаси, Р. Юсупов етакчилигидаги "Амударё КМ и ЧЖ" корхонаси, Р. Ибрагимов раҳбарлигидаги "Давр қурилис" МЧЖ жамоалари алоҳида ўрнак кўрсатдилар.

Компания, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросига ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Хусусан, бултур жамоа томонидан 1746 ўринли 4 та янги мактаб қурилиши тугалланди, 15688 ўринли 59 та мактаб капитал реконструкция қилиниб, 21692 ўринли 46 та мактаб биноси таъмирдан чиқарилди.

— Жорий йил эса тендер нархи 4965,05 миллион сўмлик, 1581 ўринли 6 та янги мактаб қурилиши, 21630,47 миллион сўмлик, 21068 ўринли 73 та мактаб капитал реконструкция қилиниши режалаштирилган бўлиб, икки ойда 7153,55 миллион сўмлик ўрнига 11051,91 миллион сўмлик қурилиш-тиклаш ишлари бажарилди, — дейди компания директорининг ўринбосари Зиятбой Бабаков. — Ана шу бунёдкорлик ишларида "748-сонли ҚМП", "Нукус Стигал", Амударё СКБ, "Беруний деҳқон қурилиш" МЧЖ, "Қозонкетган-сувқурилиш" МЧЖ, "Қозоқдарё-қурилиш", "Бўстонуниверсалқурилиш", "Тўрткўлагротемирйўлтаъмир", 18-сонли "ҚҚ онлауқурилис" каби пудратчи қурилиш корхоналарининг қўли гул қурувчилари барчага ибрат бўлмоқдалар.

Инжинириг компанияси болалар спорти иншоотлари қурилишида ҳам фаол иштирок этмоқда. Бу йил ушбу йўналишда 2586,7 миллион сўмлик спорт заллари қурилиб, битта мусиқа ва санъат мактаби, шунча сузиш ҳавзасида реконструкция юмушлари амалга оширилади. Ҳозиргача ушбу объектларда 236 миллион сўмлик ишлар ниҳоясига етказилди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КЎҲНА СУРХОН ТИЛСИМОТЛАРИ

Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган Сурхон воҳаси нафақат ватанимиз ўтмишини, балки тамаддун ривожининг барча даврларини акс эттирувчи тарихий воқеликларга, қимматли манбаларга ва ашёвий далилларга бойдир. Бугунги кунга қадар вилоят ҳудудида аниқланган 276 та археология, 26 та архитектура ва 39 та монументал санъат ёдгорликлари инсоният тарихи билан боғлиқ тош асрининг 100 минг йиллигидан тортиб XIX асргача бўлган давр ҳақида кенг тушунчалар беради.

— Қадимги одамларнинг дастлабки манзилгоҳлари турли-туман ҳайвон ва ўсимликлар кўп бўлган қир-ўрмонларида, Бойсун тоғларидан оқиб тушувчи дарё этакларининг бўйларида пайдо бўлган, — дейди тарих фанлари номзоди, Термиз археология музейи раҳбари Исмоил Ботиров. — Уларнинг ичида энг эскилари ўрта ва юқори палеолит даврига мансуб Тешиктош ва Мачай ғорлари ҳисобланади. Хусусан, Тешиктош ғоридан неандерталь боланинг суяклари топилиши Ўрта Осиё ҳудуди ҳозирги одамларнинг шаклланиш минтақаларидан бири бўлган, деган оламшумул кашфиётга асос бўлди.

Тешиктош ғоридаги тош даврига мансуб бу топилма, Исмоил Ботировнинг таъкидлашича, ёввойи ҳайвонлар томонидан ғажиб нобуд этилган бола жасадини яқинлари қабр казиб кўмишгани, унинг билан бирга тўртта ёввойи тоғ эчкисининг шохларини қонга бўяб, қурбонлик сифатида дафн этилганидир. Бу эса, тош даврида-ёқ одамлар жамоа бўлиб яшашгани, инсон руҳияти қайта тирилиши ҳақидаги фикрий кўникмалар ўша пайтлардаёқ шаклланганини кўрсатади.

Боқий мерос

Тирик тарих китоби бўлган Сурхон заминида бундай ноёб топилмалардан яна бири Шеробод туманидаги Зарautсой ғоридаги расмлардир. Милоддан аввалги 2-3 минг йилликка мансуб мазкур расмларда ибтидоий одамларнинг овга чиқиш олдидан рақсга тушганликлари, сўнг ёввойи хўкизни қандай овлаганлари акс эттирилади.

— Сурхон воҳаси инсон ақл-заковатининг юксалиб бориши, табиат сир-асрорларини ўрганиб, уни ўзлаштириш натижасида сунъий деҳқончиликка асос солинган ҳудуд ҳисобланади, — дейди Термиз Давлат университети Манбашунослик, тарихшунослик ва махсус тарих фанлари кафедраси мудири, профессор Сайфулла Турсунов. — Қадимшунос олимлар милоддан аввалги 3 минг йиллик охири ва 2 минг йиллик бошларида, бронза даврида воҳанинг барча ҳудудларида зироатчилик ва чорвачилик яхши ривожланганини, Сополлитепа, Молалитепа ва Жарқўтонда сунъий суғориш деҳқончилигининг шаклланганини, ушбу ҳудудларда буғдой, арпа, сули, пахта экилганини исботлаганлар. Бу ерларда аниқланган қадимий сунъий суғорув тизимлари мазкур илмий хулосага асос бўлган бебаҳо топилмалардан биридир.

Дарҳақиқат, Сополлитепада топилган 20 дан зиёд хумдонлар, кўплаб қадаҳлар, кўза, хум, чойнаклар, лаган, кўзгу, сопол буюмлар милоддан аввалги XVIII-XV асрларда яшаган одамларда тупроқдан идиш ясаш ва уни юқори ҳароратли оловда пишириб, мустаҳкам сопол буюмларини тайёрлашда етук малака ҳосил қилганларидан гувоҳлик беради. Аждодларимиз кундалик турмушида ишлатган бу буюмлар нафислиги, пухта-пишиқлиги ва бежиримлиги билан ҳозирда ҳам замондошларимизни лол қолдиради, ҳайратга солади.

Айтиш жоизки, воҳа жаҳон цивилизация тарихида мусиқага асос солинган ҳудудлардан бири саналади. Бу ерда энг қадимги уд, арфа мусиқа асбоблари топилган. Хусусан, мусиқа, тасвирий санъат, меъморчилик, ҳайкалтарошликнинг пайдо бўлиши ва тараққий этиши ҳақидаги дастлабки маълумотлар милодий I-II асрларга мансуб Айритом манбалари орқали маълум. Далварзинтепада шоҳмот доналарининг топилиши шоҳмот ўйини ҳам юртимизда пайдо бўлганлигини исботласа, Жарқўрғон атрофида археологлар томонидан аниқланган тўрт минг йил аввал яратилган йигирув ва тўқув дастгоҳлари, металл эритиш ва қуйиш технологияларига оид далилий ашёлар юртимизнинг тарихий шарафига обрў қўшади. Шунингдек, бу ерда топилган олов ибодатхонаси айнан шу ҳудуд зардуштийлик динининг ватани эканлигини исботловчи муҳим археологик манба бўлди.

Мухтасар айтганда, башарият ривожидан далолат берувчи, бу каби тарих зарварақлари Сурхондарёда ҳали кўплаб топилиши аниқ. Уларни асраб-авайлаш, излаб топиш, ўрганиш ва келгуси авлодларга етказиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Илло, улар шу азиз Ватаннинг ўтмиши, ноёб хазинаси жавоҳирлари бўлиб, кишида буюк аждодларга мансублигидан, бой тарихга, билвосита бўлсада, алоқадор эканлигидан фахрланиш ҳиссини уйғотади, кучга куч, ғайратига ғайрат қўшади, илҳом бахш этади.

Гулбаҳор ТАНГИРОВА,
ўз мухбиримиз.

АРЗОННИНГ ШЎРВАСИГА УЧМАНГ

Бухоро шаҳридаги Пиридастгир кўчаси, 3/2-уйнинг 6-хонадонида яшовчи Ф. Муродова 180 минг сўмга қўл телефони сотиб олди-ю, унинг нуқсони борлигини билгач, бошқаси билан алмаштириб олиш ниятида сотувчи ҳузурига шошилди.

Аммо харидор сотувчининг кўрс муомаласини кўриб, бу матоҳни алмаштириш тугул пулини ҳам қайтариб ололмаслигини англаб етди. Шу боис истеъмолчи сифатидаги ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишни сўраб, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят ҳудудий бошқармасига мурожаат этди.

— Ходимларимиз аралашуви билан Ф. Муродованинг аризаси қонун доирасида ижобий ҳал қилинди, — дейди бошқарманинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва реклама бозорини тартибга солиш бўлими бошлиғи Илҳом Қиличев. — Истеъмолчига қўл телефони пули тўлиқ қайтарилди. Аслида ҳам "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, агар маҳсулот нуқсонли бўлиб чиқса, харидор талабига кўра, у бошқаси билан ашмаштирилиши лозим. Мабодо, сотувчи ўн кун муддат ичида харидор талабига мос маҳсулотни топиб бера олмаса, унда пулини тўлиқ қайтариши шарт.

Истеъмолчи ҳуқуқи

Кўринадики, истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қонун йўли билан кафолатланган. Бухоро шаҳридаги Жомий кўчасида яшовчи Н. Порсоева ва Г. Қамбарова ҳам бозордан нархи 280 минг сўм турадиган пальто сотиб олишди-ю, чув тушишларига бир баҳя қолди. Сотувчилар уларни "Пальтони ўз нархига бераяпман, бундан арзонини топа олмайсиз" дея тилёламалик қилиб алдашган экан. Пальто сифатсиз чиқиб қолди. Бошқарма ходимлари аралашуви билан нуқсонли буюм сотувчига, пули эса харидорларга қайтарилди.

— Афсуски, бозорларимизда сифат сертификати бўлмаган буюмлар оз эмас, — дейди Бухоро синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси мутахассиси И. Нарзиев. — Мана, болалар пойабзалини олиб кўринг. У мажбурий сертификатлаштириладиган маҳсулот турига киришига қарамай 2008 йил давомида сертификатлаштириш учун лабораторияга бирор марта ҳам мурожаат қилинмади.

Бунга нафақат шундай буюм сотиш билан машғул тижоратчи-ю тадбиркорлар, балки истеъмолчилар ҳам қисман сабабчи, албатта. Чунки улар маҳсулотнинг сертификатланганини аниқламай туриб сотиб олишаяпти. Оқибатда буюм ўн беш кунга бормай таъмирталаб ҳолга келмоқда. Арзоннинг шўрвасига учган истеъмолчи "чув" тушаяпти. Ваҳоланки, бозорда алданиб қолмаслик учун ҳар биримиз истеъмолчи сифатида ҳақ-ҳуқуқимизни билишимиз фойдадан холи эмас.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

РЕСПУБЛИКА КЎП ТАРМОҚЛИ АГРОСАНОАТ БИРЖАСИНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ФИЛИАЛИ

Нукус шаҳридаги Қорақалпоғистон Республикаси Банклар ассоциацияси биносининг мажлислар залида нархлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ турдаги аукцион савдоларига таклиф этади.

2009 йил 10 ва 14 апрель кунлари соат 12.00 да ўтказиладиган савдоларга қуйидаги объектлар қўйилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг қарорига асосан, Нукус шаҳри суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Нукус шаҳри, Беруний кўчасида жойлашган
   - *1983 йилда қурилган ҳокимликнинг 2 қаватли маъмурий биноси.*
   Бошланғич баҳоси — 147 909 881,70 сўм;
   - *1981 йилда қурилган комбайн цехи.*
   Бошланғич баҳоси — 97 367 196,60 сўм.

   2009 йил 17 ва 21 апрель кунлари соат 12.00 да ўтказиладиган савдоларга қуйидаги объект қўйилади.
2. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг қарорига асосан, Нукус шаҳри суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Тўрткўл тумани, «Уллу боғ» ДФХда жойлашган, 1990 йилда қурилган, майдони 437,08 кв.м. бўлган ҳокимликнинг 2 қаватли маъмурий биноси. ***Бошланғич баҳоси — 116 579 708 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 га қадар қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан бир соат олдин тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини Республика кўп тармоқли агросаноат биржаси Қорақалпоғистон филиалининг АТ «Турон» банкининг Нукус шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000904622156001, МФО: 00585, ИНН: 206916090.

Телефон: (8-361) 224-01-24, (8-361) 222-55-84.

Республика Кўчмас мулк биржаси — 15 ёшда!

«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖнинг БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Yangiy'ol don mahsulotlari» ОАЖ тугатиш бошқарувчиси томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 2006 йил 12 декабрдаги 11-0622/11463-сонли қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган ҳамда кредиторлар қўмитасининг 2009 йил 23 мартдаги қарорига асосан жамиятнинг Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Чарикова кўчаси, 18-уйда жойлашган мол-мулклари мажмуаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 800 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2009 йил 30 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Ушбу мол-мулклар мажмуаси 30 апрель куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2009 йил 4 ва 7 май кунлари соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — РКМБнинг «Ипак йўли» банки ОАИКБ, «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000200571452113, МФО: 01036, ИНН: 200933850.

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уй.
Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 № 000004.

САВДОЛАРГА МАРҲАМАТ!

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Тез пул ўтказиш» хизмати Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! ТЕЛ.: 237-21-93, 237-16-24. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан



Юртимизда рўй бераётган беқиёс янгиланишлар, кундан-кун чирой очаётган шаҳару қишлоқларимиз жамоли кўнгилда фахр уйғотади. Хусусан, пойтахтимиз — Тошкентнинг бугунги кўрку таровати, шаҳар бағрида қад ростлаган бетакрор меъморий иншоотлар, кўҳна кентнинг бетакрор ва муаззам қиёфаси қалбни завққа, ифтихорга тўлдиради. Юртбошимизнинг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга оид қарори эса бу борадаги бунёдкорликларнинг янада кенг қулоч ёзишига сабаб бўлди.

КЎНГИЛЛАРДА ҒУРУР ҲИССИ

Бугун гўзал пойтахтнинг қай бир гўшасига йўлимиз тушмасин, яратувчанлик, қурилиш ва ободончилик, янгидан-янги биною иморатлар барпо этилаётганлигига гувоҳ бўламиз. Бу эзгу саъй-ҳаракатлар, шубҳасиз, элимизнинг яхши нияту эзгу интилишларидан, фаровон келажакка асос солишдек ёруғ мақсадларидан далолатдир.

Ўзим таълим соҳасида ишлайман. Тошкент юридик коллежида ўғил-қизларга сабоқ бераман. Бугун биз, ўқитувчилар мамлакатимиз миқёсида рўй бераётган ижчил ислоҳотлар, эзгу ният ва интилишларимизнинг мазмун-моҳиятини ўқувчилар теран англашларини истаймиз. Ва дарс жараёнини дебат-мулоқот, давра суҳбати, интеллектуал ўйинлар тарзида ташкил этишга, Маънавият соатларида ёшларнинг ўзаро фикр алмашишлари учун эркин мулоқот муҳитини яратишга ҳаракат қиламиз. Қувонарлиси шундаки, навқирон йигит-қизлар юртимизнинг мустақил тараққиёт йўли, пок ниятли элимизнинг ёруғ мақсадлари хусусида ўз қатъий тушунчаларига эгадирлар.

Ўтган ҳафта ана шундай дарс соатларимиз доирасида ўқувчилар билан пойтахтимиз бўйлаб сайру саёҳат қилиш асносида бунга яна бир бор амин бўлдик. Дастлаб, театрга, янги спектакль тақдимотига бордик. Саҳна асарини томоша қилиб бўлгач, Ўзбек Миллий академик драма театрининг шарт-шароитлари билан яқиндан танишдик. Бинонинг муҳташам қиёфаси, замонавий имкониятлари, санъаткорлар учун махсус ижод хоналари — бари-бари ёшлар қалбида ҳавас ҳиссини уйғотди. Театрнинг жаҳондаги энг номдор санъат даргоҳларидан қолишмайдиган кўрку салобати шогирдларимни ғурурлантиргани аниқ эди.

Шу куни яна Ҳазрати имом мажмуаси, пойтахтнинг Эски шаҳар қисмидаги Болалар ижодиёти маркази, Миллий либослар галереяси, Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғига саёҳат қилдик. Гўзал Тошкент жамолига ярашиқли мазкур меъморий ансамблар ёшларга чексиз ғурур бағишлаганлиги уларнинг юз-кўзидан, гап-сўзидан сезилиб турарди. Аслида ҳам осойишта ва қут-баракали турмушимиз, истиқлол бахш этган фаровон ва эркин ҳаётимиз ҳақида ўйлаб, кўнгилда шукроналик ҳисси жўш уради. Ахир, бу эзгу саъй-ҳаракатлар болаларимиз бахти учун, уларнинг эртанги ёруғ келажагини таъминлаш мақсадида амалга оширилаяпти. Бугун нафақат пойтахтимиз, балки мамлакатимизнинг энг олис ва тоғли ҳудудларида ҳам барча замонавий қулайликлар муҳайё қилинган муҳташам мактабу лицейлар, коллежлар, ёшларга турли касб-ҳунар сирларини ўргатувчи марказлар қад ростлаётганлиги бежиз эмас. Мазкур зиё масканларида ўқиб, билим олаётган ва ўз иқтидорини намоён этаётган ёшларимизнинг ютуқ ва муваффақиятлари ҳар биримизни қувонтиради. Ахир, юртимизда ёшлар тарбиясига эътибор ва ғамхўрлик масаласи бу қадар устувор аҳамият касб этмаганида, болаларимиз аввалги замон ўқувчиларидек нураб, қаровсиз аҳволга келиб қолган, янгича усулларда сабоқ беришнинг мутлақо имкони бўлмаган ўқув биноларида таълим олганларида бугунгидек юксак марраларни забт эта олармидилар? Йўқ, албатта.

Агар жиддий мушоҳада қилиб кўрсак, бугуннинг ёшлари ташқи кўриниши ва шарт-шароити мукаммал бўлган таълим масканларида ўқиш билан бирга етук малакали педагоглар, янгича фикр ва дунёқарашга, замонавий билим ва тажрибага эга мутахассислар қўлида, энг муҳими, соғлом муҳитда тарбия топаяптилар. Бу фикрларни наинки, ўзимиз — ўзбекистонликлар, балки юртимизда меҳмон бўлган хорижлик нуфузли меҳмонлар ҳам ботбот эътироф этаётганликларига барчамиз гувоҳмиз. Масалан, менинг ўзим бир ўқитувчи сифатида мамлакатимиздаги коллеж, лицей, мактабларда ўқиётган ўғил-қизларнинг эришаётган улкан муваффақиятларини доимий кузатиб бораман. Биргина ўтган йили пойтахтимизда бўлиб ўтган мактаб ўқувчиларининг 42-Халқаро Менделеев олимпиадасини олайлик. Ўшанда хорижлик ҳамкасбларимиз Тошкентдаги қатор ўқув масканларини бориб кўрдилар ва юртимиз таълим тизимида салмоқли натижаларга эришилганлиги ана шу таълим даргоҳлари мисолида ўз тасдиғини топганини қайд этдилар. Хусусан, пойтахтдаги замонавий мактаб ва коллежларни кўрганда, ўқув биносининг энг сўнгги лаборатория ускуналари билан жиҳозланган синф хоналари дунёнинг энг ривожланган мактабларидаги шарт-шароитларга эга эканлигини меҳмонлар қайта-қайта таъкидладилар. Ўша лаҳзалар ўз келажагига ишончи мустаҳкам юртда, исталган меҳмонга фахрланиб кўрсатсанг арзийдиган Тошкентдек азим ва гўзал шаҳарда яшаётганлигимдан фахрланиб кетдим.

Айни пайтда мамлакатимиз қишлоғу шаҳарларида ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан пойтахтимиз миқёсида амалга оширилаётган улуғвор ишлар ҳам ҳар биримизнинг кўнглимизга ана шундай ғурур ҳиссини солиши, шубҳасиз.

Моҳигул АШУРОВА,
Тошкент юридик коллежи ўқитувчиси.

Спорт • Sport • Спорт

Гимнастикачимиз муваффақияти

Германиянинг Котбус шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича жаҳон кубогининг иккинчи босқич мусобақалари бўлиб ўтди.

Турнирнинг саралаш баҳсида ҳамюртимиз Луиза Галиулина муваффақиятли иштирок этиб, иккинчи ўринни эгаллади. Якунда эса 12,175 балл тўплаб, кучли бешликдан жой олди.

Спортчимизга жаҳон кубогига Олимпиада ўйинлари совриндори Оксана Чусовитина мураббийлик қилган.

Ёш «пахтакорчи»лар гуруҳ ғолиби

Аввал хабар берганимиздек, "Пахтакор" академиясининг 1993 йилда туғилган ўсмир футболчилари (Россия)да ўтаётган халқаро турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилишмоқда.

Юртдошларимиз гуруҳдаги дастлабки учрашувда «Красногвардеец» жамоаси устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозонишганди. «Кубан» ўсмирлари билан кечган баҳсда 1:1 — дуранг натижа қайд этилди. Сўнгги турда эса мезбонларнинг яна бир жамоаси «Спартак» йирик — 7:0 ҳисобида мағлубиятга учратилди.

Вакилларимиз ярим финалда Москванинг «Крилатское» жамоасига қарши майдонга тушадилар.


ХОТИРА ТУРНИРИ

Яқинда пойтахтимиздаги Республика шахмат клубида ўзбекистонлик биринчи гроссмейстер Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган III анъанавий халқаро турнир бўлиб ўтди.

Мукофот жамғармаси 17,5 минг АҚШ долларига тенг бўлган мазкур мусобақада дунёнинг ўндан ортиқ мамлакатидан келган юз нафарга яқин "ақл гимнастикаси" усталари ғолиблик учун дона сурдилар.

— Юртимизда бу қадимий ақл-идрок ўйини доимо эъзозлаб келинган,— дейди халқаро гроссмейстер Сайдали Йўлдошев. — Буюк бобомиз Амир Темур саройида ўз замонасининг буюк алломаларидан бири — Али-Шатранжий Самарқандий яшаб ўтганини келтириб ўтиш кифоя. Ҳозир ҳам шахмат Ўзбекистонда энг оммавий ўйинлардан ҳисобланади. Эсингизда бўлса, Республика шахмат клуби биноси бундан уч йил муқаддам мукаммал таъмирдан чиқарилганди. Бинода шахматчилар ва мухлислар учун барча шарт-шароит яратилган. Энг замонавий «Стаунтон» шахматлари, «Фишер» соатлари ва бошқа зарур жиҳозлар мавжуд.

Шахмат



Энди бевосита халқаро турнир тафсилотлари ҳақида. Иштирокчилар орасида ўндан ортиқ халқаро гроссмейстер, кўплаб халқаро спорт усталари бўлганлиги мусобақанинг муросасиз ўтишини таъминлади.

Қизиқарли, кескин курашлар остида ўтган беллашувда россиялик гроссмейстер Виталий Цешковский 7,5 очко билан биринчи ўринни эгаллади. Тожикистонлик Фаррух Омонтоев 7 очко тўплаб иккинчи ўринни қўлга киритди. Бир йўла етти нафар шахматчи — Антон Филиппов (Ўзбекистон), Сергей Волков, Павел Потапов (Россия), Вадим Малахатко (Бельгия), Юрий Кузубов (Украина), Виталий Голод (Исроил), Борис Чаталбошев (Болгария) 6,5 тадан очко жамғаришга муваффақ бўлишди. Қўшимча кўрсаткичлар бўйича ҳамюртимиз Антон Филипповга учинчи ўрин берилди.

10–17 ўринлар 6 тадан очко тўплашган гроссмейстерлар — Рустам Қосимжонов, Марат Жумаев (Ўзбекистон), Алексей Фёдоров (Беларус), Ануар Исмагамбетов (Қозоғистон), халқаро спорт устаси Жўрабек Ҳамроқулов (Ўзбекистон) ҳамда Фахриддин Сатторов, Равшан Ҳамроев (Ўзбекистон), Бахит Темиров (Қозоғистон)га насиб этди.

Шуни таъкидлаш лозимки, бундай нуфузли халқаро мусобақаларнинг мамлакатимизда ўтказилиши ёш иқтидор эгалари учун ҳам маҳорат мактаби вазифасини ўташи, шубҳасиз. Гарчи совринли ўринлардан жой олишолмаган бўлишса-да, самарқандлик ака-ука Хуршид ва Жамшид Мустафоев, Жаҳонгир Воҳидов, тошкентлик Олег Артеменко, жиззахлик Юлдуз Ҳамроқулова ўз ўйинлари билан мутахассисларда яхши таассурот қолдирдилар. Хуршид айрим ҳолларда тажрибали гроссмейстерларни ҳам шошириб қўйди.

Бу Ўзбекистонда яна ёш, умидли шахматчилар етишиб чиқаётганидан дарак беради. Улар нуфузли халқаро турнирларда дона суриб, ғолибликни қўлга киритганларида, ғалабанинг илдизини яратилган имкониятлардан, деб биладилар. Яна бир гап. Республика шахмат федерацияси мутасаддилари мазкур халқаро турнирнинг навбатдагисига янада кучли гроссмейстерлар жалб этилишини маълум қилди. Демак, юртимизда «ақл чархи» тантаналари давом этаверади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кўргазма

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида "Хуш келибсан, Наврўзим!" деб номланган кўргазма давом этмоқда. Бу ерда бир қатор таниқли рассомларнинг 120 дан зиёд асарлари намойиш этилаётир.

Хуш келибсан, Наврўзим!

Айниқса, кўргазмадан Ўзбекистон халқ рассоми Анвар Мирсоатов, академик Марат Содиқов асарлари билан бир қаторда, Камолиддин Беҳзод номидаги рассомлик ва дизайн миллий институти талабалари Дилшод Эшматов, Юлия Рихсиева, Жаҳонгир Имомов сингари истеъдодли ёшларнинг ижод намуналари ўрин олганлиги мамлакатимизда ёшларга кўрсатилаётган чексиз эътибор, уларга билдирилаётган юксак ишончнинг тасдиғи бўлмоқда.

Кўргазма март ойининг охирига қадар давом этади.

М. ХОЛМАТОВА.

Жаҳон маданияти янгиликлари

Режиссёрнинг туҳфаси

Англиялик режиссёр Дэнни Бойл томонидан Мумбай шаҳрида суратга олинган "Харобадан чиққан миллионер" фильми Америка миллий киноакадемиясининг анъанавий "Оскар" мукофоти тақдимотида саккизта номинация бўйича ғолибликни қўлга киритди.

Ҳали ҳеч кимга таниш бўлмаган актёрлар томонидан талқин этилган мазкур фильм мазмуни, таъсирчанлиги ва юқори бадиий ечимга эгалиги билан бутун дунёда катта шуҳрат қозонди. Буни "Оскар" тақдимоти ташкилотчилари ҳам алоҳида эътироф этишди. Ижодининг кутилмаганда бу қадар юқори баҳоланганидан қувонган режиссёр хайрли ишга қўл урди. У фильмдаги бош ролларни ижро этган болакайлар Азҳоруддин Исмоил ва Рубин Алига Мумбай шаҳридан қиймати 20 минг фунт стерлингга тенг бўлган уй совға қилди. Барча қулайликларга эга бу хонадонлар болакайлар учун ҳақиқий туҳфа бўлди.

Эслатиб ўтамиз, мазкур фильмда Мумбай шаҳрининг хароба кўчаларида воягa етган бир ўспиринниng "Ким миллионер бўлишни хоҳлайди?" телеўйинида қандай қилиб ғолиб чиққани ҳикоя қилинади.

Уч кунлик меҳмонлар

Берлиндаги машҳур Янги музей (Neues Museum) ўн йиллик танаффусдан сўнг илк меҳмонларни қабул қилди.

Қизиғи шундаки, музей эшиклари ташриф буюрувчилар учун фақатгина уч кун очиқ бўлди. Чунки бу маданий маскан мана, ўн йилдирки, британиялик меъмор Дэвид Чипперфилд бошчилигидаги гуруҳ томонидан таъмирланаётган бўлиб, у ҳали якунига етганича йўқ. Манбаларга қараганда, ушбу мақсадга 250 миллион евро микдорида маблағ сарфланган.

Айтиш жоиз, музейдаги ноёб экспонатлар орасида Миср маликаси Нефертитининг ҳайкалчаси ҳам бор. У бу ерга 1939 йилда келтирилган.

Мажмуанинг расман очилиш маросими шу йилнинг 16 октябрига мўлжалланган. Унга бир йилда 4 миллион киши ташриф буюриши мумкин.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ДИЁНАТ НАФСДАН УСТУН

Таҳририятимизга келган хатлардан бири эътиборимизни тортди. Аёл киши имзо чеккан бу хатда уй-жой можароси тилга олинган. Шикоятчининг ёзишича, унинг қўшнилари орасида низо чиқиб, ўртадаги келишмовчилик анчадан бери давом этиб келаётган экан. "Ҳурматли таҳририят ходимлари, сизлардан илтимос, бу можарони ўрганиб, мақола чиқарсангизлар-у, зора, икки қўшни ўртасидаги муносабат яхши томонга ўзгарса" дея мактуб эгаси манзилни ҳам кўрсатган.

Инсон манзаралари

Хизмат сафарига кетаётиб, хаёлимизда минг бир ўй чарх уради. Уй-жой талашиб, умрбод юз кўрмас бўлиб кетганларни эшитганмиз. Аммо бундай можарога аралашишнинг ўзи бўлмайди, ахир, улар бегона одамлар бўлса, бир-биримизни билмасак, танимасак?!

Дастлаб таҳририятга хат ёзган аёлни суриштирдик, у ҳеч қанақа қўшни ҳақида эмас, ўзининг нафини кўзлаб мактуб йўллаган экан. Қисқагина суҳбатдан сўнг, ҳар хил ўйга боришмасин, деган маънода у ўз мактубини "Қўшниларга қайғудош" сифатида жўнатганлигини тан олди. Гапнинг очиғи, хат билан танишаётганда кўнглимиздан: "Қўшнилари ҳақида шунчалик қайғуриб ёзибдими, демак, бу аёлга раҳмат дейиш керак" деган ўй ўтган эди. Афсуски...

Аслида эса икки ўртада талаш бўлиб ётган уй ўша аёлнинг қайнисига тегишли бўлиб, эр-хотин уни тортиб олиш пайига тушишган.

Ота-боболаримиздан мерос, ёзилмаган, аммо қатъий бир қоида борлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Яъни, бир хонадонда вояга етган ака-укалар, оилали бўлиб, чиқиб кетишгач, уй кенжага қолади. Биз борган хонадонда яшаётган Дамир (исм ўзгартирилди) тўрт ўғилнинг кенжаси бўлса-да, тўнғич ака ҳовли-жойга эгалик қилиш илинжида анчадан бери ҳаракат қилиб юрган экан.

Маҳалла оқсоқоли, участка нозири, ўқитувчилар билан суҳбатлашдик. Улар Дамирнинг акаси ўзига тўқ эканини, фақат айримларнинг гапига кириб, уйни ўз номига ўтказмоқчи бўлиб юрганини айтишди.

— Бунинг яна бир нозик сабаби бор, — дейди отахонлардан бири. — Дамир, мана, оила қурганига ўн йил бўлаяптики, фарзандсиз. Унинг акаси эса серфарзанд. У ўзини ўйлаяпти. Сизларга хат йўллаган аёл, таҳририятдан ташқари, эҳ-ҳе, яна қанча идораларга шикоят қилди. Келган одам борки, ака-укалар ўртасидаги муносабатни кўриб ҳайратдан ёқа ушлашади. Аслида, бу можаролар сабаби оқибатсизлик. Неча марта насиҳат қилдик, фойдаси бўлмади...

Яна бир воқеа. Амакиваччалар ер талашиб қолишди. Атиги икки метр жойни деб соқолига оқ оралаган оталар ҳам можарога қўшилишди. Шундан кейин уртўполонни кўринг. Орадан вақт ўтиб, маълум бўлдики, ука ноҳақ экан. Аслида ўлчанган ернинг уч метри уканинг томорқасига ўтиб кетган экан. Ука ер чизиб қолди, узр сўради, аммо ип узилиб бўлган эди. Ипни ҳам улаш мумкин, аммо ўртада барибир тугун қолади-да!

Минг таассуфки, бундай воқеалар учраб туради. Бундайларни ака-ука дейишга тил бормайди. Ака ёки укасини ёмон кўрадиганлар, бегоналарга ёмонлайдиганларни қандай қилиб жигаргўша дейиш мумкин?

Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукур қил, дейди халқимиз. Шукурки, орамизда оқибатли одамлар ниҳоятда кўп. Аслида халқимиз азал-азалдан меҳр-оқибатни, яхшиликни қадрлаб келган. Бугунги кунда ҳам бундай фазилатлар асло завол топгани йўқ. Шундай экан, хулқ-одоби, бетакрор хислатлари билан ўзгалар ҳавасини келтирган одамларимиз орасидаги оқибатга путур етмасин, деймиз. Ўзаро низолар, қўшничилик, қариндошчиликдаги можаролар эса ҳеч кимга ярашмайди.

Ҳар кимнинг ўзига инсоф берсин!..

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

Ҳар соҳадан бир шингил


Ўқинг, қизиқ!

— Дунё бўйича болалар сони камлиги жиҳатдан Германия биринчи ўринда туради. Мамлакат аҳолисининг атиги 15 фоизи норасидаларни ташкил этади. Кенияда эса бу рақамлар 51 фоизга тенг.

— Америкада ҳар икки талабадан бири 40 ёшида миллионер бўлишни олдига мақсад қилар экан.

— Буюк Хитой деворини гул қоғозда безаш учун ана шу маҳсулотдан 15 840 000 ўрам керак бўлади.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.



— Кексалари энг кўп яшайдиган мамлакат Швеция ҳисобланади. Бу давлатнинг 24 фоиз аҳолиси шу тоифага мансуб. Кувайтда эса бунинг акси. Мамлакат халқининг икки фоизи ёши улуғларни ташкил этади.

— Дунёда Анна исмли аёллар энг кўп учрайди. Бугунги кунда дунё бўйича 100 миллиондан ортиқ ана шу исмли адашлар яшамоқда.

ОБ-ҲАВО

(28 март)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат кечаси 3-8 даража илиқ, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 3-8 даража илиқ, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 3-8 даража илиқ, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 3-8 даража илиқ, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 5-10 даража илиқ, кундузи 19-24 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 3-8 даража илиқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 6-8 даража илиқ, кундузи 20-22 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

"Ўзйўлбутлаш" Республика таъминот бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Олимжон Бўроновга волидаи муҳтарамаси
ХАЙРИНИСО аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзқурилишматериалсавдо" МЧЖ жамоаси Бош директор Зиёдулло Бобоназаровга падари бузруквори, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси
БОБОНАЗАР отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси жамоаси қўмита тизими фахрийси
Владимир Леонидович САВЕЛЛОнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

"Шарқ" НМАК жамоаси газета мажмуаси бошлиғи муовини Абдураим Раҳмоновга қизи
АЗИЗАХОНнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Барча турдаги коммунал хизматлари тўловларини қабул қилади Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! ТЕЛ.: 233-57-47. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ ФАКС: 236-09-21. E-MAIL: OAO@POST.UZ

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 53053 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.20 Топширилди — 03.10

7